**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Янгихаёт туман ҳокими**

**_______________ Х.Иногамов**

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳудудида жамоатчилик фикри асосида 2022 йил 1-мавсумида фуқаролар ташаббуси жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш бўйича

# ХАРИД ХУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туман Ҳокимлиги

Тошкент-2022

1. Танлашда иштирок этиш учун умумий қўлланма

| | |
|---|---|
| 1. Умумий тавсиф | 1.1. Мазкур танлаш хужжати Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган .<br>1.2.Танлаш мақсади: Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳудудида жамоатчилик фикри асосида 2022 йил 1-мавсумида фуқаролар ташаббуси жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш.<br>1.3.Буюртмачи томонидан танлашга таклиф этилган нархдан танлашда иштирок этувчининг таклиф этган нархи ошиб кетмаслиги керак.<br>1.4.Хизмат кўрсатишнинг техник топшириғи танлаш хужжатларининг техник қисмида акс эттирилган.<br>1.5.Танлаш таклифининг расмийлаштириш шакли-электрон тартибда амалга оширилади. |
| 2. Танлаш ташкилотчилари | 2.1.Танлашда буюртмачи-Янгиҳаёт туман ҳокимлиги<br>Манзил: Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани Йўлдош-1 даҳаси 1А-уй.<br>Банк реквизитлари: ш.ғ.в.<br>СТИР: 207329489,<br>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги<br>х/р: 23402000300100001010, СТИР 201122919<br>Банк коди 00014<br>2.2.Ташкилотчининг алоқа рақами: 71-210-6003<br>2.3. Танлаш “Буюртмачи” тамонидан тузилган харид комиссиясининг аъзолари иштирокида амалга оширилади |
| 3. Танлаш иштирокчилари | 3.1. Мазкур хужжатнинг 4.2. бандида кўрсатилган юридик шахслардан ташқари фаолият туридан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари мазкур танлашда иштирок хуқуқига эга. |
| 4. Танлашни ўтказиш тартиби | 4.1.Танлашда қатнашиш учун ташлаш иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим.<br>a) Танлаш шартлари билан танишиш учун “Буюртмачи” нинг махсус ахборот порталига жойлаштирилган танлаш хужжатларининг электрон шаклини юклаб олиши,<br>b) Мазкур танлаш хужжатлари талабларига асосан танлаш таклифларини электрон тарзда тақдим қилиш,<br>4.2. Танлашда қуйидаги юридик шахслар иштирок этишига рухсат этилмайди:<br>a) Фаолияти тугатилиш арафасида турган юридик шахслар;<br>b) Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кредитор қарздорлиги мавжуд юридик шахслар;<br>4.3. “Буюртмачи” қуйидаги ҳолатларда иштирокчиларни танлашдан четлаштириш хуқуқига эга:<br>a) Тарафлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш туғрисида”ги қонун хужжатлари талабларига зид келадиган ҳар қандай харакатларни амалга оширса, шу жумладан пора беришни таклиф этса, ваъда берса, товламачилик қилса ва бошқа коррупцион ҳолатлар амалга оширилса.<br>4.4. танлашда иштирок этиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида амалга оширилиши мумкин.<br>4.5. Танлаш иштирокчиси: |

| | |
|---|---|
| | а) тақдим этилган хужжат ва маълумотлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади;<br>b) Танлашга бир нечта таклифни тақдим этиш хуқуқига эга эмас; |
| 5. Танлаш ўтказиш муддати | 5.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган электрон хужжатлар махсус ахборот порталида таклифларни қабул қилиш муддати тугагандан бошлаб 3 кун ичида танлашни амалга оширилади. |
| 6. Комиссия томонидан баҳолаш меъзонлари ва тартиби | 6.1. Баҳолаш меъзони Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни асосида амалга оширилади.<br>6.2. Баҳолаш меъзони  жараёнида танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган хужжатлардаги маълумотлар ҳақиқий эмаслиги аниқланса, комиссия ушбу иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиради.<br>6.4. Танлаш ғолиби берилган таклифлар ва баҳолаш меъзонига асосан аниқланади. |
| 7. Шартномани расмийлаштириш муддати | 7.1. Танлаш натижасига кўра танлаш ғолиби билан 2 кун муддатда тегишли шартномалар расмийлаштирилади. |

Бош хисобчи И.Сафаров